



2015/09 128-29

O'zbekiston davlat san'at va madaniyat institutining ma'naviy-ma'rifiy, ilmiy, axborot gazetasi

1200 Y PARVOZ



БЕТАКРОРИМСАН, ЯГОНАСАН, ОНА ВАТАНИМ – ЎЗБЕКИСТОНИМ!

БУЮК КЕЛАЖАК МАСЪУЛИЯТИ



Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма тўрт йиллигини муносиб кутиб олганимизга ҳамда янги 2015-2016 ўқув йилининг бошланганига кўп бўлгани йўқ. Шу қисқа давр мобайнида мамлакатимизда, шунингдек, биз учун азият ва қадрдон институтимизда қўлга киририлган ютуқларни сарҳисоб қилиш, мавжуд муаммоларни ҳал этишнинг аниқ, илмий йўналтирилган режаларини ишлаб чиқариш барчамиздан улкан масъулиятни талаб этади.

Бу нарсамамлакат раҳбари Ислон Каримовнинг 2015 йилда

нашр этилган «Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш — энг буюк саодатдир», деб номланган янги китобида Юртбошимизнинг 2015 йил 17 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма тўрт йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарориди алоҳида қайд этилган. Бу йилги мустақиллик байрамини «Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!» деган эзгу ғояни ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, маданий-маънавий ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастури асосида ўтказилиши барчамизда кеча ким эдигу бугун ким бўлганлигимизни англашга, бизни янги марралар сари руҳлантиришга маънавий туртки бўлди.

Дарҳақиқат, 2014-2015 ўқув йили институтимиз жамоаси учун улкан зафарлар йили бўлди. Ўқув тарбия соҳасида, илмий-тадқиқот, ижодий ишлар борасида муайян ютуқларга эришдик. Асосий эhtiборни таълим сифатини оширишга, бўлажак мутахассисларни янги педагогик, ахборот технологиялари асосида ўқитишга қаратганлигимиз туфайли битирувчи талабаларимизга бўлган эҳтиёж кучайди. Республика миқёсида олиб бор-

ган алоҳида хизматлари учун институт профессор-ўқитувчиларидан С.Х.Музаффарова, Н.Қ.Қобилов, Р.О.Алланбоев, Г.К.Ахимбетова, Х.Насимовлар мамлакатнинг энг олий унвон, орден, медаллари билан мукофотландилар. Бу аслида институт, унинг жамоасига мамлакат раҳбарияти томонидан берилган юксак баҳо.

Ютуқларга, муваффақиятларга эришиш мумкин. Аммо уни ушлаб қолиш, янада ривожлантириш, мустақамлаш ўта қийин жараён. Биз барчамиз 2015-2016 ўқув йилида ана шу ҳақиқатни ёлдан чиқармаган ҳолда меҳнат қилишимиз лозим. Бу ўқув йилида институтга республиканинг энг иқтидорли, қобилиятли ўғил-қизларидан 282 нафар бакалавр ва 43 нафар магистр талаба сифатида қабул қилинди. Уларга юксак талаблар асосида таълим-тарбия бериш, иқтидорини очиш, қалбларига эзгулик уруғларини экиш биз, профессор-ўқитувчиларнинг олдидаги энг катта, масъулиятли вазифа ҳисобланади.

Ана шу мураккаб, айни пайтда шарафли ишда барча профессор-ўқитувчилар, ходим-хизматчилар, талабаларга мустақам соғлиқ, ижодий ютуқлар ёр бўлишини тилайман.

Бахтиёр САЙФУЛЛАЕВ
Институт ректори

ТАРАҚҚИЁТИМИЗГА МАЁҚ БЎЛГАН АСАР

Бугунги кунда катта умид, орзу-мақсадлар билан, Ватаним тараққиётига ҳисса қўшаман, деб белини маҳкам боғлаб майдонга чиқаётган азму шижоатли ёшларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш барчамизнинг нафақат вазифамиз, балки бурчимизга айланиши керак. Янги авлодни тарбиялаш — халқни тарбиялаш деганидир.

Ислон КАРИМОВ

Маълумки, яқинда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг «Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш — энг олий саодатдир» номли китоби «Ўзбекистон» нашриёти томонидан кўп минг нусхада чоп этилди. Ушбу асарнинг чоп этилиши айнан шонли байрамимиз Мустақиллигимизнинг 24 йиллиги арафасида халқимизга ажойиб бир туҳфа бўлди.

Мамлакатимиз ҳудудида истиқомат қилаётган барча кўнгли пок, қалби тоза, иймони мустақам инсонларга ушбу китоб кечаги ва бугунги ҳаётимиздаги воқеа-ҳодисаларни таҳлил қилиш, солиштириш, таққослаш ва келажагимизни аниқ тасаввур этиш имконини берди. Бугунги кун давр талаби шундан иборат бўлмоқдаки, инсонлар ён-атрофга очик кўз билан қараб ҳулоса чиқариши, ўзининг мустақил фикрига эга бўлиши, ҳақиқатдан доимо руҳланиб яшаши зарур. Ушбу китобда шундай ёндашув асосида мамлакатимизнинг мустақиллик йилларида босиб ўтган тарихий йўли теран таҳлил қилиниб, бу ҳаётнинг саволларга чуқур ва ҳаққоний жавоблар берилган. Мамлакатимиз раҳбари ушбу китобда бугун, дунё миқёсида глобаллашув ва рақобат тобора кучайиб, зиддият ва қарама-қаршиликлар кескинлашиб бораётган бир вазиятда биз фақат эришган ютуқларимизга маҳлиё бўлмасдан, дунёда юз бераётган туб ўзгаришлар жараёнида эгаллаб турган ўрнимизни ҳолисона ва танқидий баҳолашимиз, кундан-кунга ошиб бораётган ҳаёт талабларига жавоб беришимиз, давр билан ҳамқадам бўлишимиз зарур ва шарт эканини қайта-қайта ўқитириб ўтади.

«Бу дунёда қуруқ гапга эмас, аввало ҳар томонлама ишончли, синалган, ҳаётнинг ҳақиқий синовидан ўтган одамларга ишониш керак. Ҳаётда мақсадга эришиш ҳеч қачон осон бўлмаган. Эй, бизга шу ҳам бўлаверадди, деган фикр билан яшайдиган одам, билиб қўйинлар, ҳаммамизнинг душманамиздир».

Ушбу китобни мутолаа қилар эканмиз, Ислон Каримовни мустақил ўзбек давлатининг асосчиси, дунё миқёсида тан олинган йирик давлат ва сиёсат арбоби бўлиб шаклланиши ва майдонга чиқишида унинг сиёсий тафаккури, нотиклик маҳорати нақадар катта аҳамият касб этганига ишонч ҳосил қиламиз.

Бугунги ва эртанги ҳаётимизнинг энг муҳим устувор йўналишларини ўзида мужассам этган ушбу китоб мамлакатимиз ва халқимиз келажаги, унинг равнақини белгилаб берадиган маёқ бўлиб хизмат қилади.

Бу китоб билан танишган ҳар бир одам муаллифнинг Ўзбекистоннинг тақдири ва келажагини ҳал этадиган энг муҳим масалаларни майдонга сиригача пухта ўргангани ва ўта оғир муаммоларнинг ечимига улкан донишмандлик ва жасорат билан ёндашганига гувоҳ бўлади.

Қундуз НИШОНБОВА
Санъатшунослик ва маданиятшунослик кафедраси доценти

ПРЕЗИДЕНТ АСАРИНИНГ ТАҚДИМОТИ



Шу йилнинг 5 сентябрида Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институти ўқув театри биносида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Абдуғаниевич Каримовнинг «Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш — энг олий саодатдир» номли китобининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институти барча профессор-ўқитувчилари иштирок этдилар.

Тақдимот маросимини Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институти ректори, профессор Бахтиёр Сайфуллаев кириш сўзи билан очиб берди.

Очиқ ва самимий мулоқот руҳида ўтган анжуманда мазкур китобнинг нашр этилиши мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ҳаётида бекиёс аҳамиятга молик улкан воқеа экани алоҳида таъкидланди.

Сўнг Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институти маънавий-маърифий ишлари бўйича проректори, тарих фанлари доктори, профессор Абдуҳалил Маврулов сўзга чиқиб, Юртбошимиз томонидан ёзилган «Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш — энг олий саодатдир» номли китобининг мазмунини анжуман қатнашчиларига таништирди.

Китобдан давлатимиз раҳбарининг сайловли жараёнларидаги йигирмадан зиёд учрашув ва анжуманларда билдирган энг муҳим, концептуал аҳамиятга молик ғоя ва фикр-мулоҳазалари ўрин олганлиги таъкидланди.

Тадбир иштирокчилари бу кенг қамровли китобда мамлакатимизнинг мустақиллик йилларида босиб ўтган мураккаб, айни вақтда шарафли тарихий йўли ўз ифодасини топгани, бугунги кунда ҳаётнинг ўзи олдимизга қўяётган энг долзарб ва ўткир саволларга чуқур ва ҳаққоний жавоб берганини алоҳида таъкидладилар.

Мазкур тўпламнинг бош ғоясини қуйидаги сўзларда мужассам бўлган энг муҳим ўзак фикр ташкил этади: «Биз ўтган даврда амалга оширган ишларимизга баҳо берар эканмиз, кеча ким эдигу бугун ким бўлдик? деган савол асосида уларнинг моҳияти ва аҳамиятини ўзимизга чуқур тасаввур этамиз. Айни вақтда эртага ким бўлишимиз, қандай янги марраларни эгаллашимиз керак? — деган савол устида ўйлашимиз, нафақат ўйлашимиз, балки амалий ишларимиз билан бунга жавоб беришимиз лозим».

Абдуҳамид АБДУГАППАРОВ
Илмий-тадқиқот бўлими бошлиғи



МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ АТАМАЛАРИНИНГ ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ



Маълумки, ю р т и м и з да санъат ва маданият соҳаларининг турли аспекти илмий жиҳатдан тадқиқ этилиб, уларнинг назарий томонлари ўрганиб келинмоқда. Бироқ шу пайтга қадар мазкур тармоқлар лексикографиясига қўл урилмаган эди. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институти томонидан жорий йилда чоп этирилган «Маданият ва санъат атамаларининг изоҳли луғати» эса ана шу йўлдаги дастлабки одимлардан бири бўлди.

Атамалар изоҳига бағишланган тўпламлар сўз ва сўз бирикмаларининг маъно қатламларининг ифодалаб қолмай, тараққиёт тадрижи ва жамият ҳаёти билан боғлиқ ўзгаришларни ҳам акс эттиради. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, янги-янги луғатлар кўплаб чоп этилаётгани жамият тафаккурини юксалтиришга ўз ҳиссасини қўшмоқда.

«Маданият ва санъат атамаларининг изоҳли луғати» ҳам том маънода маънавий эҳтиёж сабаб

яратилган бўлса, ажаб эмас. Чунки санъат ва маданият атамалари тарқоқ ҳолда турли манбаларда ёритиб келинар эди. «Маданият ва санъат атамаларининг изоҳли луғати» эса уларни ўзида жамлаб, рақс, тасвирий санъат, музика, адабиёт, театр, кино ва маданият соҳаларига оид тўққиз юздан ортқ атамалар изоҳини келтирган. Масалан, санъат «одамларнинг эстетик талабларини қондириш билан бирга, ўз тараққиётининг турли даврларида жамият аъзоларини маълум руҳда тарбиялаш, уларни ақлий ва ҳиссий жиҳатдан ривожлантириш воситаси сифатида хизмат қилиб келган, уларнинг турли мақсад, ҳис-туйғу, манфаат, идеалларини ифода этган» дея, маданият «жамият, инсон ижодий куч ва қобилиятлари тарихий тараққиётининг муайян даражаси, кишилар ҳаёти ва фаолиятининг турли кўринишларида, шунингдек, улар яратадиган моддий ва маънавий бойликларда ифодаланган» тарзида таърифланган.

Минг нусхада чоп этилган луғатнинг масъул муҳаррири про-

фессор Бахтиёр Сайфуллаев, тузувчилар профессорлар Абдусалом Умаров ҳамда Мансур Бекмуродов. Луғатни тартибдашда тўқсонга яқин муаллифлар жамоаси қатнашган.

Санъат ва маданият соҳаларига оид атамалар изоҳли луғати бу йўлдаги илк тажриба бўлгани боис ҳали изланишлар давом этади деган умиддамиз. Хусусан, атамалар кўлами кенгайтирилиб,



бошқа манбалардан фарқли равишда фундаментал мазмун касб этса, луғат савияси янада ортган бўлар эди.

Азиз МАТЕЌУБОВ
Санъат назарияси ва тарихи мутахассислиги
1-курс магистранти

АТАМАЛАР ЛУҒАТИНИНГ ТАҚДИМОТИ

Китоб ҳаётининг бадиий кўзгусидир

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида шу вақтга қадар турли семинар, анжуман ва маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилиб келинмоқда.

2015 йил 28 август куни Мустақиллигимизнинг 24 йиллиги арафасида яна шундай тадбирлардан бири китобхоналарга тўхфа сифатида Алишер Навоий номидаги



Ўзбекистон Миллий кутубхонаси кичик мажлислар залида Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институти ҳамкорлигида муаллифлар жамоаси томонидан яратилган «Маданият ва санъат атамаларининг изоҳли луғати» номли китобнинг тақдими бўлиб ўтди. Тақдимоти Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институти илмий ишлар бўйича проректори Г.Холиқова олиб борди.

Мутахассислар мазкур луғатда маданият ва санъатнинг барча жабҳаларини қамраб олишга интилишган. Ушбу китобда атамалар ва уларнинг изоҳи батафсил берилган. Ундан маданият ва санъат соҳаси учун мутахассислар тайёрлайдиган барча таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, ходимлари ва талабалари фойдала-

нишлари мумкин.

Тақдимотда қатнашган тилшунос олимлар, институт профессор-ўқитувчилари, кутубхона фаоллари бу турдаги луғатнинг чоп этилиши муҳим аҳамиятга эга эканлигини эътироф этиб, атамалар ва уларнинг изоҳига катта эътибор қаратганликларини таъкидлашди.

Тадбирда Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институти жамоаси, Ўзбекистон Миллий кутубхонаси жамоаси, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти, Бобур энциклопедияси, Г.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи ҳамда қатор оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этдилар. Улар луғатнинг яратилиш жараёнига, унинг бутунги кундаги аҳамиятига ўз муносабатларини билдирдилар.

Зебо АБДУҒАНИЕВА
Ахборот-ресурс маркази бўлими бошлиғи

2014-2015 ЎҚУВ ЙИЛИ ЯКУНЛАРИ ВА 2015-2016 ЎҚУВ ЙИЛИГА ТАЙЕРГАРЛИК ИШЛАРИ

2014-2015 ўқув йили давомида институтда ўқув ишлари Олий таълим тизимига қўйилган талаблар асосида олиб борилди. Якунланаётган ўқув йилида 29 та бакалаврият таълим йўналишлари ва 12 та магистратура мутахассисликларида дарс жараёни 2012-2014 йилларда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган 36 соатлик ўқув режалари асосида ташкил этилди.

2014-2015 ўқув йилида ўқув жараёни Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да белгиланган вазифалар, Олий ва ўрта махсус таълим, Маданият ва спорт ишлари Вазирликларининг ўқув жараёнига оид меъёрий ҳужжатларига ва институт ректорининг буйруқ ва кўрсатмаларига амал қилган ҳолда ташкил қилинди.

2014-2015 ўқув йилида барча таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларида 1455 нафар талабалар, яъни 29 та бакалаврият таълим йўналишларида 1374 нафар талаба ва 12 та магистратура мутахассисликларида 81 нафар талаба тахсил олди.

2014-2015 ўқув йилининг биринчи ярим йиллик якунларига кўра факультетларда фанлардан талабаларнинг ўзлаштириш кўрсаткичлари қуйидаги ҳолатда якунланди. 2015 йил 1 июль ҳолатига кўра.

Кино, телевидение ва радио санъати факультети — 88, 0%, театр санъати факультети — 83, 6%, халқ ижодиёти факультети — 84, 4%, магистратура бўлими — 100, 0%, институт бўйича — 85,7, 0% ташкил этади.

2014-2015 ўқув йилида институт бўйича профессор-ўқитувчиларнинг соатлар юкламалари 406356 соатни ташкил этди, шундан 250739 соати ўқув ишларига ажратилган соатлардир.

Ҳозирги вақтда институтда илмий педагогик салоҳият 34,0 фоизни ташкил этади.

Ўтаётган ўқув йилида институтда ўқув жараёнини ташкил қилиш сифатига муайян эътибор қаратилди. Жумладан, 2014-2015 ўқув йилининг биринчи ярим йиллигида

институт профессор-ўқитувчиларининг хорижий тиллар ва компьютер саводхонлигини ошириш борасида қисқа муддатли ўқув курслари ташкил этилиб, машғулотлар ўтказилди.

Таълим сифатини ошириш борасида жорий йилнинг февраль-март ойларида институт негизидagi 29 та бакалаврият таълим йўна-



лишлари ва 12 та магистратура мутахассисликларининг ДТСлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат Тест маркази томонидан экспертизадан ўтказилди. Барча таълим йўналишлари ва мутахассисликларида талабаларнинг билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисидаги (ОҚМТВнинг 2010 йил 25 августдаги № 333-сонли буйруғи билан тасдиқланган) Низомга мувофиқ баҳолаш турлари бўйича фанлар кесимида назорат саволлари ва тестларнинг электрон базаси шакллантирилиб ўқув жараёнига жорий этилди.

2015-2016 ўқув йилига тайёргарлик ишлари ўтган ўқув йилининг якунидан бошлаб юборилган бўлиб, ўтган давр мобайнида институтнинг мавжуд 24 та бакалаврият таълим йўналишлари ва

14 та магистратура мутахассисликларининг ишчи ўқув режалари қайта кўриб чиқилиб, 2015 йилнинг 1 июль куни институтнинг Илмий кенгашида тасдиқланди. Бошланаётган ўқув йилида 18 та бакалаврият таълим йўналишлари ва 14 та магистратура мутахассисликларининг малакавий талаблари ва намунавий ўқув режалари ишлаб чиқилиб, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги қошидаги Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш марказига тасдиққа тавсия этиш масаласи кўрилмоқда. Тасдиқланган ишчи ўқув режалар асосида 2015-2016 ўқув йили учун дарс жадвали шакллантирилиб якунига етказилиш арафасида. Институтдаги машғулотлар олиб бориш учун ажратилган 93 та аудиториялар фанларнинг хусусиятидан келиб чиқиб дарс жадвалида тақсимланди. Ушбу ўқув йилидан бошлаб гуруҳ журнали, профессор-ўқитувчиларнинг шахсий журналлари ҳамда концерт-мейстерлар учун ҳам алоҳида журналлар шакллантирилиб соддалаштирилди. 2015-2016 ўқув йили учун кафедралар кесимида ўқув соатлари ҳисоб-китоб қилинганда 250000 соатни ташкил этмоқда.

Янги ўқув йилида талабалар учун тест саволлари, мустақил ишлар, курс ишлари вариантлари ва уларни баҳолаш мезонлари ҳамда услубий кўрсатмаларни тайёрлаш, ҳар бир кафедрада ўқитиладиган барча фанлар бўйича ишлаб чиқилган ўқув-услубий материаллари тақдимотини ўтказиш масаласи кўрилмоқда.

Абдурашул ҲОЗОВ
Ўқув бўлими бошлиғи



ЖАҲА ОҚУЎ ЖЫЛЫНА ТАЯРМЫЗ

Халқимиздин миллий маданиятын, көркем өнерин елде раўажландырыў, бул тараўларда қәбилетли жасларды оқытып, маман кәнигелерди таярлап шығарыў бойынша Өзбекистан мәмлекетлик көркем өнер ҳәм маданият институты Нөкис филиалында да өткен 2014-2015 оқыў жылында айтарлықтай оқыў-тәрбиялық жумыслар алып барылды.

Филал ашылған жылда еки кәнигетликке 25-студент қабылланған болса, ҳазирги уақытта бул билим дәрғайында 124-студент «Музыкалы театр актёрлығы», «Музыкалы театр режиссерлығы», «Телевидение ҳәм радио режиссерлығы», «Кино, телевидение ҳәм радио сес режиссерлығы», «Маданият ҳәм көркем-өнер мекемелерин шөлкемлестириў ҳәм басқарыў», «Фольклор-этнографиялық жәмәәтлерин басқарыў», «Вокал жәмәәтлерин басқарыў» жөнелислери бойынша кәнигетлик сырларын үйренбекте.

Студентлеримиз Республика көлеминде өткерилип киятырган «Наўрыз», «Ғәрезитлиқ» байрамларына, сондай-ақ «Жалғызсаң сен муқаддес Ұатан» таңлаўына белсене катнасып өз дәретиўшилиқ қәбилетлерин ҳәр тәрәплеме көрсетип келмекте. Мәселен, «Музыкалы театр актёрлығы» бөлиминин 3-курс студентлери Инабат Жуманиязова, Гульер Аннакычева, Инжайым Көмекбаевалар «Наўрыз», «Ғәрезитлиқ» байрамларының концерт бағдарламаларында катнасып тамашагөйлердиң аяғысларына сазаўар болып келмекте. Усы бөлиминин студенти Нелам Махамадияров болса Республикалық Атажан Худайшукуров атындағы таңлаўда катнасып 3-орынды жеңип алыўға миясар болды. Бул да болса филиалымызда дәретиўшилиқ жумысларға айырықша итибар қаратылып атырганынан дерек береді.

«Драма театр ҳәм кино актёрлығы» бөлиминин 4-курс студентлери оқытыўшы А.Кудайназаровтың басшылығында япон драматурги Д.Киноситоның «Тырна нәрлери» атлы диплом спектаклин сахналастырып япон драматургиясы үлгилерин қарақалпақ сахнасына алып кирди, буның өзи қарақалпақ көркем өнериндеги үлкен бир бурлығы болды деп толық исеним менен айта аламыз.

«Қуыршақ театры актёрлығы» бөлиминин 4-курс студентлери Ж.Хожановтың «Аққуў ҳақында аңыз» атлы диплом спектаклин оқытыўшы К.Калилаевтың басшылығында табыслы сахналастырып, бул спектакль Қарақалпақ мәмлекетлик қуыршақ театрының репертуарына қабыл етилди.

Филиалымыз быйылғы 2015-2016 жаңа оқыў жылында да мәмлекетимиздиң жасларға тәлим-тәрбия беріў бойынша алып барып атырган сиясатын қоллап-қуўатлап оны және де раўажландырыў бойынша ҳәмде дәретиўшип жасларды заман менен тең көзем таслаўға, оларды жарқын келешегимиздиң кең гузарына қарай нық кәдем таслаўға бағдарлаўда тынымсыз мийнет ете береді.

Меҳрибан ХОЖАНОВА
ӨЗМКОМИ Нөкис филиалы
оқытыўшысы

ЯНГИ ИМКОН — ЯНГИ МАҚСАДЛАР



Ҳар қандай меҳнат ва интилиш асло самарасиз қолмаслиги яна бир бор ўз исботини топди. Институтни ҳамиша севишда давом этишимга берилган имкон келажак сари қўйилган қадамларнинг яна бир поғона юқорилаганидан ҳам нишонадир. Бу биринчи навбатда жонкуяр устозларнинг бераётган маърифат йўлидаги жонкуярликларини ҳам юзага чиқарди. Эгаллаётган соҳамизнинг сиру асрорларини янада чуқурроқ ўрганиш биз — магистрантларнинг олдимизда турган мақсадлар сирасидандир. Театр санъати (театршунослик) бўлимини танлаган кунимдан эътиборан мазкур йўналиш такомил топаётганлиги билан биргаликда мавжуд муаммоларни бар-тароф қилиш лозимлиги олдинда турган режалар қўламини кенгайтирган эди. Эндиликда эса бошлаётган илмий ишим нақадар муҳим ва керакли масалаларни ечишга қаратилиши керак зайлидаги фикрларим қатъий тус олмоқда.

Айтиш керакки, магистратура босқичи бакалаврликка нисбатан анчайин мукамал ва мураккаб ҳисобланади. Сабаби педагогик салоҳиятини янада камол топтириш жоиздир, устозлар сафида талабаларга дарс бериш кўп билим ва катта кучни талаб қилади. Ҳар бир ўтаётган кундан самарали фойдаланишга астойдил бел боғлаган курсдошларим кўнглида мана шундай туйғулар ўтаётганлиги шубҳасиздир.

Маҳмиё ТИШАБОВА
Театр санъати йўналиши магистранти



«Везёт тому, кто везёт»

В день, когда я поступил в Государственный институт искусств и культуры Узбекистана, меня поздравили родные, друзья, знакомые. Кто-то восхищался, кто-то был удивлён, были и те, кто говорил, что мне повезло. Ну что же, пожимая плечами, могу ответить, цитируя строки из песни одного знаменитого артиста, которые стали для меня жизнеутверждающими «Везёт тому, кто везёт».

Сейчас бытует такое мнение, что если чего-то сильно захочешь, то это непременно сбудется. Но при этом многие забывают: «Под лежащий камень вода не течёт», нужно не только хотеть, но и делать. Тем более, когда в нашей стране существует множество программ, позволяющих молодёжи получить качественное образование. На своём личном примере я ощутил эту поддержку, получив рекомендацию к предоставлению при вступительных экзаменах в любой государственный институт — 27% от максимального балла. Но пусть не обманываются те, кто считает, что всё так просто.

Для этого я отслужил год срочной службы в самом жарком вилояте нашей страны. Совершенствовал свои практические навыки и теоретические знания в военных науках. Собираю хлопок. Два месяца в степи, жил в блиндаже глубиной два метра. Всё это время я добросовестно выполнял свой долг перед Родиной.

Но и поступив в институт, я не намерен останавливаться на достигнутом: и я и впредь буду расти не только духовно, профессионально, но теперь и творчески. Ведь сейчас нашей Родине как никогда нужны профессиональные кадры.

Сардор ХАШИМОВ
Студент 1-курса отделения театроведения



Инсон борки, у ўз ҳаёти давомида ниманидир орзу қилади ва бу орзу вақт мобайнида мақсадга ўз ўрнини беради. Бу борган сари янада ривожланиб, инсоннинг ҳаёт мазмунига айланади. Ҳар қандай орзу борки, унинг замирида ва моҳиятида эзгулик барқ уради. У инсоннинг олға интилиши учун пойдеворга айланади. Ҳамма қатори менинг ҳам қалбимда

ниш отган орзуларимдан бири мана шу муҳташам билим даргоҳи талабаси бўлиш эди. Шукурлар бўлсинким, бу бахтга эришдим. Лекин инсоният психологияси шунчалар қизиқ ва мураккабки, мақсадга эришган сари орзу бора-бора ўз ўрнини бошқа орзуларга бўшатиб беради.

Институт талабаси бўлиб, яна қандайдир янги ҳаётни барпо этгандай бўлдим. Институтдаги шароитлар ва устозларнинг олий сабоқлари мени яна янги марраларга етаклагандай бўляпти. Келажакда устозлардан олган сабоқларим асосида келажак авлодни Ватан равнақи йўлида меҳнат қилишга ўргатаман ва бундан бахтлиман.

Хулкар ЎРАЛОВА
Ижтимоий-маданий фаолият бўлими
1-курс талабаси



Talabalik-o'qishim

O'zbekiston mustaqillikka erishgan vaqtdan boshlab Prezidentimiz I.A.Karimov biz — yoshlar uchun ko'pgina imkoniyat va shart-sharoitlar yaratib berdi. Bu esa bizga yanada kuchliroq o'qishga harakat qilishimiz va hayotdagi o'z o'rnimizni, o'zimiz sevgan kasbimizni egallashimiz va yurtimiz rivojiga hissa qo'shishimizga imkoniyat yaratdi. Men ham shu maqsadda bu yil o'zim orzu qilib kelgan O'zbekiston davlat san'at va madaniyat institutiga hujjatimni topshirdim. Albatta, men shu kunga yetguncha ancha harakat qildim va natijada bir urinishdoyoq grant asosida o'qishga qabul qilindim. Bu xabarni eshitgach, o'qishga bo'lgan ishtiyoqim yanada kuchaydi.

Talabalik «Oltin davr» deb bekorga aytishmas ekan. To'g'ri, men hali talabalik gashtini, qiyinchiligi zavqini to'liq his qilmasam-da, lekin mana shu institutga tashrif buyurgan kunimdan oqalibimda qandaydir hayotga bo'lgan muhabbat, o'z orzularimga yetishishga bo'lgan ishtiyoq ortdi. Ayniqsa, yangi kursdoshlarim va o'qituvchilarimning bir-biriga bo'lgan mehr-oqibat menda katta

taassurot uyg'otdi.

Institutimizdagi shart-sharoitlarni ko'rib, Yurtboshimiz biz yoshlar uchun juda katta imkoniyatlar yaratib berganiga yana bir marta guvoh bo'ldim. Men yana shunga amin bo'ldimki, har bir inson oldiga maqsad qo'yib orzularining ortidan ergashib, tinmay harakat qilsa, u amalga oshar ekan. Albatta buning hammasi yurtimiz tinchligi, farovonligi, har kunimiz xotirjamlikda o'tayotganligi sabablidir. Hozirda san'at sohasiga katta e'tibor berilmoqda. Men ham bu sohaning rivojlanishiga o'z hissamni qo'shib, yirik mutaxassis bo'lib, Prezidentimiz biz yoshlarga bergan ishonchini oqlashga chin dildan harakat qilaman. Yurtboshimizning bizlar uchun qilayotgan bu g'amxo'rligi, mehribonligi uchun qancha tashakkur bildirsak ham ozdir.

Yulduz ABDUSALOMOVA
Madaniyat va san'at muassasalarini tashkil etish
va boshqarish bo'limi 1-kurs talabasi



Қалбдан изҳор

Ҳар бир инсон вояга етгани сари касбига меҳр ва муҳаббат пайдо бўла бошлайди. Бу дунёда ҳамма орзу қилади ва шу орзу сари интилиб яшай бошлайди. Мен ҳам шу қаторда санъат соҳасида ўқишни ва келажакда театрда ишлашни мақсад қилганман. Шу орзуга эришиш учун икки йил Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институтига киришга ҳаракат қилдим. Ва ниҳоят бу йил талабалик менга насиб қилди. 2015 йил Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институтига кўчирчоқ театри актёри йўналишига ўқишга қабул қилиндим. Кўп йиллик орзуим ушалгани са-

баб мен ҳозир институтнинг энг бахтли талабаларидан бириман. Мен бу даргоҳга келиб, бу ердаги шарт-шароитларни кўриб, жуда қувондим. Илм масканидаги шарт-шароитлар ҳамма талабаларни илҳомлантиради ва ижод қилишга ундайди. Бу қулайликларни биз ёшларга яратиб бераётганликлар учун Юртбошимиз И.А.Каримовга ўз миннатдорчилигимни изҳор этаман. Мен шу юртнинг фарзанди эканлигимдан жуда фахрланаман. Биз талабаларнинг жонкуяри, тартиб-интизомга,



одоб-ахлоққа алоҳида эътибор берадиган ректоримиз Б.Сайфуллаевга, шу жумладан, кўчирчоқ театри актёрлиги йўналишида бизга бошқош бўладиган, бизни мукамал санъаткор бўлиб етиштишимизни, биздан-да кўпроқ истаб, фақат ўқишга ундайдиган устозимиз Дониёр Абдуллаевга раҳмат айтаман. Ўзим севган даргоҳда таҳсил олаётганман, ота-онам, устозларим юзини ерга қаратмасликка, ишончларини оқлашга ҳаракат қиламан. Келажакда юртимга фойдаси тегадиган инсон бўлишга ва юртимизни бундан-да кўпроқ гуллаб яшнашига ўз ҳиссамни қўшаман.

Менинг ҳамма ёшларга тилагим шуки, орзу қилинг. Инсон чин дилдан хоҳласа, албатта орзуси амалга ошади.

Дилдора ЗОКИРОВА
Кўчирчоқ актёрлиги санъати бўлими 1-курс талабаси



Орзу — нақадар ёқимли, нигоҳларимизда қувонч нурларини порлатувчи сўз!

Нигоҳлар эса кўзгу. Уларда қайғу, дардимиз, қувончу шодлигимиз акс этади. Оллоҳимга беҳисоб шукурлар бўлсинким, 20 август кун менинг нигоҳларим қувончдан порлади! Мен Одилова Мадина талабалик бахтига муяссар бўлдим. Сабаби Мунаввара Абдуллаевадек устоз санъаткор қўлларида таҳсил олиш насиб этди. «Ниятни катта қилинг», «Яхши ният — ярим давлат», дейишгани бежиз эмас экан. Мунаввара Абдуллаева курс раҳбарингиз, деб айтишганида юрагим алланечук бўлиб кетди. Мунаввара Абдуллаевадек тажрибали, улуг инсоннинг сабоғини оласан, Оллоҳ насиб қилса, Дилноза Кубаева каби эл ардоғидаги санъаткор бўлиб етишасан Мадина — деган ич-ичимдан бир овоз келарди. Ўша овознинг номини биласизми? У менинг орзуим эди! Унга ишондим ва эришдим. Ҳа, инсон ҳаётида ишонч катта аҳамиятга эгалиги шубҳасиз. Мисоллар билан бунини кўп маротаба исботлаш мумкин. Жажжигина болакай янги йил арафасида орзу қилиб қорбобого хат ёзади. Орзусидаги совғаси келишига ишонади, бу — мурғак қалбнинг мўъжизага бўлган ишончи! Қолаверса, муҳаббат, омад, дўстлик каби туйғулар ҳам биз инсонларнинг ишончимиз билангина барҳаёт. Қалбимизда куртак очган кичик бўлса-да орзуингизга ишониб, уни ушалиши учун тинимсиз меҳнат қилинг. Асло, асло «Йўқ, бу шунчаки орзу, ушалмас бир орзу», дея кўрманг. Куртакларни гунчалашига қўймай, пайҳон этманг.

Мадина ОДИЛОВА
Драма ва кино актёрлиги санъати бўлими 1-курс талабаси



Инсонга берилган неъматларнинг энг улуғи — бу умрдир. Ана шу берилган неъматни халқига, Ватанига фойда келтириш ниятида сарфлаш эса ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчидир. Мен анчадан буён маданиятимиз, маънавиятимизни бойитишга хизмат қилишни ўзимга мақсад қилиб қўйганман. Ана шу мақсадимни амалга ошириш учун бу йил Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институтига ҳужжат топшириб, кириш имтиҳонларидан муваффақиятли ўтиб давлат гранти асосида талабалikka қабул қилиндим. Мен бугун ўзимни бахтлиман дейишга тўла ҳақлиман, негаки ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган, жаҳоннинг кўзга кўринган билим даргоҳлари ва мутахассислари билан беллаша оладиган проффессор-ўқитувчилари ва талаба-

лари мавжуд бўлган билим масканида ўқийман. Ўқув аудиториялари, ахборот-ресурс маркази, қолаверса, олис вилоятлардан келиб таҳсил олаётган талабалар учун замонавий шарт-шароитдаги талабалар турар жойи, театр биноларига эга нуфузли институтда таҳсил олиш мен учун олий бахтдир. Келажакдаги орзуларимдан бири ўқишни аъло баҳоларга битириб, ўз вилоятимда маданият ва маърифат алангасини ёқувчи мутахассис бўлиб етишиш ва шу юртга муносиб фарзанд бўлишидир.

Машхура ШЕРМАНОВА
Ижтимоий-маданий фаолият бўлими 1-курс талабаси





Hech yodimdan chiqmasa kerak. Adabiyot darsligidagi bir asar meni o'ziga tortdi. Avval bunday usulda yozilgan asarga duch kelmaganligim ayon bo'ldi. O'qiganim sari o'qigim kelaverar, voqealar rivoji ichiga butkul kirib ketgandim. Bu Hamzaning «Zaharli hayot yohud ishq qurbonlari» asari edi. Mening o'qigan birinchi pyesam shu bo'ldi. Shundan so'ng shu xildagi asarlarni izlaydigan, topganimda quvonadigan, ularni mutolaa qilishdan charchamaydigan bo'lib qoldim. Asta-sekin dramaturglarimizdan Usmon Azim, Sharof Boshbekov, Qo'chqor Norqobil, Erkin Xushvaqto'v asarlarini o'qishga tushib ketdim. Bu asarlarga qiziqishim shu qadar baland ediki, ba'zan zavq-shavqim ichimga sig'maganidan ularga taqlid qilib asarlar yozadigan bo'ldim. Teatrlarga oshiqib to'ymasdim. Mazkur sohaga qiziqishim Farg'ona shahridagi Yormozor akademik litseyining jurnalistika yo'nalishiga yetakladi. 3 yillik ta'lim davomida sevgan sohamga qiziqishim yanada ortsa ortdiki, kamaymadi. Izlanishdan, o'qib o'rganishdan qochmadim. Boisi niyat bitta, maqsad qat'iy edi. Bugun

men baxtiyor yurt farzandlari ichida eng baxtliman. O'zim qiziqqan O'zbekiston davlat san'at va madaniyat institutining sahna va ekran san'ati dramaturgiyasi bo'limi talabasiga aylandim. Mehr qo'ygan sohamning yetuk mutaxassisi bo'lish orzuim yo'lida yana bir g'olibona qadamimni tashladim.

Men hayrat va havas tufayli dramaturgiyaga kirib keldim. Yelkamda ulkan mas'uliyat hissi. Ustozlar ko'rsatmalariga amal qilgan holda yetuk kadr bo'lib kamol topib, Vatan, el-yurt oldidagi burchimni anglar ekanman, o'zbek san'atini yuksaltirish, O'zbekiston yoshlari mazkur sohada ham nimalarga qodirligini dunyoga isbotlash, bizning yaratgan asarlar ham jahon sahnasida munosib o'rnini topishi yo'lida bor kuch va salohiyatimni ishga solib yashagim keladi.

Sohijjon HOTAMOV
Sahna va ekran san'ati dramaturgiyasi bo'limi 1-kurs talabasi

Ёшларга таълим ва тарбия беришда маёқ вазифасини бажарувчи даргоҳ бу — институт саналади. Шундай институтлардан бири биз таълим олаётган, фаолият юритаётган Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институтидир. Бу зиё маскани

Институт ҳозирги кунда ўттизга яқин бакалаврият йўналишлари, ўндан ортиқ магистратура мутахассисликларида ёшларни тарбияламоқда. Санъат ва маданиятнинг ўчоғи бўлмиш институт бугунги кунда эришган нуфузи машаққат-



нафақат республикамиз, балки Марказий Осиё миқёсида ҳам санъат ва маданият соҳаси кадрларини етказишда етакчилик қилиб келмоқда. Маҳоратли актёрлару режиссёрлар, қалами ўткир санъатшунослару театршунослар, тасаввури дунёларга тенг операторлар каби намоёндаларни юзага келиш илдизлари ҳам шу ўқув масканига бориб тақалади. Ўз касбининг устаси бўлмиш устозлар турли фанлардан сабоқ бериб келмоқдалар.

Ўзбекистон Давлат санъат институти ва Тошкент Давлат маданият институти негизида 2012 йил янгидан Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институти ташкил топди. ЎЗДСМИнинг Нукус филиали эса Қорақалпоғистон Республикасида малакали мутахассислар тайёрлашга хизмат қилиб келмоқда.



ли меҳнат ҳамда ҳаракатлар самараси эканлиги сир эмас. Доимий изланишлар, янгиланишлар самараси ўлароқ, йўна-



Анча йиллик тайёргарликдан сўнг шу йили Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институтига давлат гранти асосида ўқишга қабул қилиндим. Айни пайтда қувончларим бир дунё. Мен учун талабалик бу — олий бахт демек. Инсон нимаики орзу қилса, шунга интилса, албатта ўз ниятига эришар экан. Мен ҳаётимни ада-



Men O'zbekiston davlat san'at va madaniyat institutiga davlat granti asosida o'qishga qabul qilindim. Bunga sababchi bo'lgan mehribon otanom, bilimga oshufta qilib tarbiyalagan ustozlarimdan minnatdorman.

Kelajakda xalqim sevgan kasb fidoyisi bo'lib, elim madaniyatini rivojlantirishga, bunga o'z hissamni qo'shishga

va'da beraman.

Quvanish SEYTIMBETOV
O'zbekiston davlat san'at va madaniyat instituti Nukus filialining Cholg'u jamoalariga rahbarlik bo'limi 1-kurs talabasi

биётсиз, санъатсиз, айниқса, шеърятсиз тасаввур қилолмайман. Келажакда Комил Яшин, Иззат Султон, Усмон Азим, Эркин Хушвақтовлардек қалам тебратиб, замонамиз қаҳрамонлари образини яратиш, драматургия соҳасида катта ижодий ишларни амалга ошириш ниятидаман.



Мухаррам БОЗОРОВА
Саҳна ва экран санъати драматургияси бўлими 1-курс талабаси

Mustaqillik sharofati bilan o'zimga berilgan imkoniyatlardan to'g'ri foydalangan holda shu yili o'z qobiliyatim va bilimimga suyanan holda O'zbekiston davlat san'at va madaniyat instituti Nukus filialiga o'qishga topshirib, davlat granti asosida o'qishga qabul qilindim. Quvonchu shodligim cheksiz. Men talaba bo'lganimdan juda xursandman.

Albatta, kelajakda qadrdon ustozlarimning, ota-onamning, yaqinlarimning ishonchini oqlab, buyuk yurtning, buyuk kelajagi uchun buyuk inson bo'lishga harakat qilaman.



Shaxnoza TAJIMURATOVA
O'zbekiston davlat san'at va madaniyat instituti Nukus filialining madaniyat bo'limi 1-kurs talabasi

лишлар қамровининг ортаётганлиги қувонарли ҳолдир. Соҳа вакиллари республиканинг барча ҳудудларида бадий-эстетик тарбиянинг йўлбошчилари сифатида хизмат қилмоқдалар. Хусусан, иккита институтнинг қўшилиши шарофати билан ташкил этилган маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиш ва бошқариш (менеджмент) йўналиши замирида кўзланган мақсадлар узоқ келажакни ўйлаб қилинган режаларнинг пойдеворидир. Мавжуд бўлимлар таркибида юзага келган касбий таълим йўналишлари эса мутахассислик соҳасини ҳам амалий, ҳам назарий жиҳатдан чуқур ўрганиш билан бирга педагог кадрларни етказиб беришни да кўзлаб қилинган эзгу ишлардир. Ҳар бир кафедранинг мутахассислиги нуқтаи назаридан алоҳи-

да жиҳозланган аудиторияларга эгаллиги ҳам алоҳида эътирофга лойиқ жиҳатлардан. Натижада талабалар ўз йўналишларида янада кўпроқ ва самаралироқ ишлаш имконига эга бўлишмоқда. Тўлиқ жиҳозланган ўқув театри, барча шароитларга эга талабалар турар жойи, махсус сув ҳавзаси, гўзаллик салони, талабалар тамаддихонаси кабилар институт жамоаси хизматида. Ҳукуматимиз ва мутасаддилар томонидан берилётган шунча эътибор ва имкониятларга жавобан намунали ўқиш, янгидан-янги, юқори савияли ижодий ишлар билан лаббай дея жавоб бериш лозим. Санъат ва маданият соҳалари ақл ҳамроҳлигида бевосита инсон қалби билан ишлар экан, бу жабҳалар эртасига бефарқ бўлишга ҳаққимиз йўқ.

*Санъат ўчмагайсан сен мангу қуёш,
Ахир фидоларинг кўндир оламда.
Бировнинг дардига бўлгани йўлдош,
Санъат кетиб борар пою ниёда.*

Радха ХИДИРОВА
Санъатшунослик ва маданиятшунослик кафедраси ўқитувчиси



Kishilik jamiyatimiz kundan-kun rivojlanib borar ekan, bunda insonlarning o'zaro muloqoti alohida ahamiyatga ega. Inson kamolotga yetib borar ekan, shu bilan bir qatorda u muomala layoqatini ham birdek tarbiyalab boraveradi. Turli ehtiyojlarimizni qondirish maqsadida, jamiyatning

ko'zlagan maqsadlarimizning qanchalik yaxshi ekanini ham avvalambor tilimiz orqali bayon etamiz.

Tilimizning qanchalik toza va sofligi esa dilimiz bilan o'zaro bog'liqdir, chunki dilimizdagi gaplarga ongimiz orqali tilimizga chiqadi. Bu esa o'z-o'zidan shuni ko'rsatadiki, ushbu jarayonda nafaqat tilimiz, balki dilimizning sof bo'lishi ham katta ahamiyatga ega ekan. Dilimizdagi g'ubor va nuqsonlarni ketkazish uchun biz, eng avvalo, xulq-atvorimiz, odobimizdagi nuqson va kamchiliklarni tuzatmog'imiz va shu go'zal xulq-odobimiz bilan yosh avlod vakillariga o'rnak bo'lmog'imiz dardkor.



boshqa vakillari bilan har kuni muloqotda bo'lamiz. Muloqotimiz jarayonida biz o'zgalar bilan fikr almashamiz, turli xildagi ma'lumotlardan xabardor bo'lamiz, fikrimizni boshqa insonlarga ham yetkazamiz. Hayotimizning barcha jabhalari u bilan chambarchas bog'liq. Dilga yaqin insonlarning bilan bo'ladigan suhbatda o'zingni qanchalik baxtiyor his etasan kishi. Biroq bularga nisbatan ham o'zimizning ravon nutqimizni tarbiyalab borishimiz lozim. Muomala jarayonida xushxulqlik bilan ma'noli gapirish insonning qanchalik saviyasi ekanligini ko'rsatib turadi. Umuman olganda, muomala madaniyatini insonning tuganmas ziynati desak, aslo mubolag'a bo'lmaydi.

«Tilingda bo'lsa boling — kulib boqar iqboling» deb bejizga aytmaydi dono xalqimiz. Darvoqe, qalbimizning sofligi,

Baxtiyorjon ALIXO'JAYEV
Kasb ta'limi: Qo'g'irchoq teatri aktyorligi bo'limi 3-kurs talabasi



Алим, фақат билимгина инсонни озод ва улугвор қила олади, дея бежиз айтишмаган. Дунё яралгандан буён инсонлар ўз орзуларини рўёбга чиқариш сари интиладилар. Орзулар эса бизни юксак марралар сари чорлайди. Бунинг учун, энг аввало, илми бўлмоқ лозим. Зеро, имсиз инсон нурсиз кўз демасди! Кўзинг бўлса-ю, ҳақиқий бахтни кўра олмасанг, илмининг қадрига ета олмасанг, унда сен сўқирсан!

Қалбим тўрида анчадан буён бир ажиб туйғу ётади. Бу шундай ҳисси, уни сўз билан ифода қилаш мушкул. Бу менинг таълим олиб келаётган институтимга бўлган меҳр-муҳаббатдир! Институтимизда илм олишимиз учун жуда кўплаб имкониятлар яратилган ва яратилиб келинмоқда. Бунинг учун меҳридор устозларимиз елиб-югуриб, биз учун нимаики лозим бўлса, шунга етказишга, чуқур билим беришга бел боғлашган. Уларнинг биздан биргина истаклари — илмининг қадрига етишимиз, китобни севишимиз ва энг аввало қалбимизда Ватанга бўлган садоқат, ўз касбимизга бўлган фидойилик, улугвор муҳаббатни янада юксаликка қанот ёзиб парвоз қилишига ҳаракат қилишимизни кутишмоқда. Устозларимиз биздан фақат ва фақат илм, илм ва яна илм олишни



талаб қиладилар. Институтимиз нурли бир кошона. Бу ерда санъат мисоли ой бўлса, маданият юлдузидир. Бизнинг институтимизда истеъдод жуда ҳам қадрланади. Бу ерда ҳақиқий иқтидор соҳиблари йиғилишган. Бу масканда таълим олишнинг ўзи омад! Юртимизнинг қайси гўшасига бормайлик илм олишимиз учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилган. Биз ёшлар бутунги кунда ўз фикрларимизни эркин баён эта оламиз. Бундай эркинлик, бизнинг институтимизда ҳам ўз ўрнига эга. Шунингдек, буюқлар билим олган мўъжаз ватанимиз, яъни институтимиз мен учун китобларда ёзилган, тилларда дoston бўлган оби-ҳаётдир! Чунки оби-ҳаёт жонсиз танга жон бахш этса, таълим эса тафаккуримизга, қалбларимизга нур беради...

Бу масканни саодат гулшани, маънавият уйи, маданият ўчоғи, хурлик кошонаси, санъат даргоҳи дейишди. Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институти таълимнинг анъанавий ва инновацион услубларини моҳирона қўллаб келаётган, фаол ривожланаётган навқирон олий ўқув юртидир.

Зулхумор АКБАРОВА
Саҳна ва экран санъати драматургияси бўлими 4-курс талабаси



ладиган умумий талаблар, диссертация мавзусини танлаш ва ёзиш билан боғлиқ жараёнларга ҳар қачон батафсил ёритилган. Низом билан таълим олиш, олий таълимнинг айна тури бўйича ҳеч қандай саволга ўрин қолмаслиги аниқ.

Магистратура бу — аввало ва асосан илмий фаолият. Шундай экан, магистрантлар институтдаги дарслар билан кифояланиб қолмай, тадқиқот мавзусини чуқур ўрганишлари, кутубхоналар, турли ижодий масканлар, шунингдек, олим-фозилларнинг «нафис мажлис»ларида кўп бўлишлари ҳар жиҳатдан фойдалидир. Ана шунда уларнинг илмий тафаккур ва салоҳияти аста-секин такомилга юз тутади.

Айни пайтда биз таҳсил олаётган Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институтида ҳам юқори малакали магистрант кадрларга эҳтиёж ортиб бораётгани сир эмас. Ҳозир институтимизда маданият ва санъат соҳаси менежменти, мусиқали театр актёрлиги, эстрада актёрлиги, театр санъати, санъат тарихи ва назарияси, овоз ре-



жиссёрлиги, маданиятшунослик, чолғу ижрочилиги, халқ ашула ва рақс жамоаларига раҳбарлик сингари қатор мутахассисликлар бўйича магистрантлар тайёрланмоқда. Ўтган давр мобайнида бўлими тугатиб, магистрлик қалпоқчасини кийган ёшлар орасида турли кафедраларда педагог сифатида ишлаб, тажриба ортирганлари ҳам, катта илмий-ҳодим изланувчи сифатида фаолият кўрсатаётганлари ҳам етарлича топилди. Демак, қайсидир маънода магистратурага сарфланаётган потенциал ўзини оқлаётгани аён бўлади. Бироқ энг муҳим масала — магистрлик таълимини докторлик мақоми учун асос қилиб олиш, талабаларни ҳозирданоқ катта илмий изланишларга тайёрлаш, «магистратурадан — докторантурага» деган шиорни дастак тутиб, келгусида етук соҳиб илмларни кашф этиш десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Бунинг учун биз магистрантлардан тинимсиз изланиш, илм олиш, профессор-ўқитувчиларнинг этагидан маҳкам тутиб, чинакам шогирд тутиши талаб этилади.

О ВИЗИТЕ ДЕЛЕГАЦИИ КИТАЙСКИХ КИНЕМАТОГРАФИСТОВ

8 сентября с.г. состоялась встреча делегации китайских кинематографистов со студентами и преподавателями нашего института, в рамках «Дней китайского кино в Узбекистане», организованного Посольством КНР в Узбекистане и НА «Узбекино».

В состав делегации вошли Луань Чжиго —руководитель делегации, заместитель директора Управления по кино, Главного Государственного управления по печати, радио, телевидению и кинематографии КНР, Янь Пэн — заместитель начальника отдела планирования и статистики Управления по кино, Чжан Юесяо — ответственный работник международного отдела Управления по кино, Лу Сюминь — ответственный работник отдела планирования киносценариев Управления по кино, Шерзод Ёкуб — кинорежиссер, Кундуз Зайтая — актриса.

Делегация осмотрела учебные корпуса института, Учебный театр, посетила занятия актерских и операторских курсов. Было



высказано пожелание развития академических связей между профильными институтами, что послужит укреплению и развитию культурных связей между нашими связями.

Фотима АКМИРЗАЕВА
Методист отдела международных связей

Бугун магистратурада ўқишни истовчи ёшлар сони йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Бу бир жиҳатдан ижобий ҳодиса. Ахир таълим аталмиш соҳа ижтимоий ҳаётнинг энг муҳим жабҳаларидан бирига айланиб бораётган, боз устига бюджетининг салмоқли қисми (30-40%)ни ёшлар салоҳиятига сарф этаётган мамлакатда бирор толиб илмининг йўлига тўсиқ қўйиб, «дипломининг олу, ишга жойлаш» — дея буйруқ-идлао қилишга ҳеч ким қодир эмас. Агар бирор талаба тўрт йиллик таҳсилдан сўнг, балки олийгоҳни тамомлаб, ўзи айтгандек, «орада уч-тўрт йил карьера» қилиб, яна қадрдон масканига магистр бўлиш илнжиди қайтибдими, нима ҳам дердик, ҳадди-ҳаваси муборақ бўлсин!..

Бироқ «Ишқ бошқа, ҳавас бошқа» деганларича бор экан. Аслида магистратурада ўқиш учун шунчаки ҳавасу иштиёқ ёинки анчайин урфга айланган «ҳа энди, бир кун асқотиб қолар» қабилидаги ёндашув зинҳор баҳона-ю сабаб бўлолмас экан. Мурод шугина бўлса, вақтни беҳуда ўтказиб, ёшларнинг ганимат лаҳзаларини кўкка совуришдан не наф? Ундан кўра тайёр мутахассислик бўйича катта-кичик лавозимда ишлаб, таниш-билиш, обрў-эътибор топган маъқул эмасми? А, лаббай?..

Келинг, аввало магистратура нима ва у нега керак деган саволга баҳоли қўдрат жавоб изласак. Хабарингиз бор, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 2 мартдаги 36-сонли қарорига асосан Магистратура тўғрисидаги янги низом тасдиқланди. Унда магистрантларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, магистратура таълимини ташкил этиш шакллари, педагогик фаолиятга жалб этиладиган ўқитувчиларга қўйи-

Энг ёмони устоз адибимиз Абдулла Қаҳҳор таъбири билан айтганда, илму адабиётнинг кучини «ўтин ёриш»га ишлатмасак бўлгани!..

Магистрантларни илмий изланишларга жалб қилишда институтимизда ташкил этилган «Ёш олимлар кенгаши» алоҳида ташаббус кўрсатмоқда. Мазкур кенгаш саъй-ҳаракати боис магистраталабалар институтимиз ва республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий анжуманлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг илмий масалаларга бағишланган мажлисларида иштирок этишди. Бу эса уларнинг илмга бўлган муҳаббатини янада юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Маълумки, таълим тизимида ижобий маънодаги «портлаш эффекти» деган тушунча мавжуд. Ушбу истилоҳни илк бор Юртбошимиз Ислам Каримов амалиётга жорий этган. Яъни, инсон ўзидаги табиий интеллектуал салоҳиятга таяниб, эгаллаган билим ва маҳоратини аввало ўзи, оиласи, миллат ва халқ фаровонлиги, жамият тараққиёти ва равнақи учун бахшида этса, бундай шахслар бирлашиб, катта бир кучга айланса, мамлакат шундай юксалишга эришадики, буни тасаввур қилиш учун мавжланиб, исён қилиб, денгизга айланган пўртанани эслаш кифоя. Фикримизча, магистратура йўналишида ҳам ўша машҳур «портлаш эффекти» содир бўлса, нур устига аъло нур бўларди.

Мусаллам АБДУЖАББАРОВА
Магистратура бўлими бошлиғи,
Шохруҳ АБДУРАСУЛОВ
Театр санъати йўналиши
2-курс магистранти

ЁШЛАРГА ЭЪТИБОР — КЕЛАЖАККА ЭЪТИБОР

2015 йил 5 сентябрь куни институтда «Бетакдоримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!», «Мустақиллик озод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт асоси» мавзуларининг мазмун-моҳиятини тушунтиришга қаратилган халқ ижодиёти факультети талабалари ҳамда Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги Академияси профессор-ўқитувчилари, жумладан, Ўзбекистон




Ички ишлар вазирлиги Академияси ички ишлар органларида бошқарувни ташкил этиш бошлигининг ўринбосари, подполковник, юридик фанлар номзоди, доцент, А.Ф.Ҳақбердиев, подполковник, юридик фанлар номзоди У.Фозилов, ўқитувчи, катта сержант, юридик фанлар номзоди А.А.Нуруллаевлар билан ҳамкорликда давра суҳбати бўлиб ўтди.

Давра суҳбатида институт ректори Б.Сайфуллаев, маънавий-маърифий ишлар бўйича проректор А.Маврулов, халқ ижодиёти факультети декани С.Жумаев, бир гуруҳ профессор-ўқитувчилар ва ушбу факультет талабалари иштирок этдилар.

Тадбирда иштирок этган маърузачилар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 24 йиллик байрамига тейишарлиқ кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорининг талабалар ўртасида бажарилиши бўйича йиғилганларга маъруза қилдилар. Маърузачилар ўз чиқишларида Ватанимизнинг бой тарихи, жаҳон маданияти тамаддунига улкан ҳисса қўшган алломаларимиз, уларнинг босиб ўтган йўллари, мустақиллик шукронаси, халқимизга, айниқса, ёшларга кўрсатилаётган эътибор хусусида алоҳида тўхталиб ўтишди. Ёшларга эътибор — келажакка эътибор эканлиги, мамлакатимиз Президент И.Каримов ёшларни жамиятимизнинг етакчи кучи, деб ҳисоблаши алоҳида таъкидланди.

Мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларнинг, мазмун-моҳиятини англаш, ёшларнинг ҳуқуқий-сиёсий саводхонлиги, ижтимоий фаоллигини ошириш орқали мамлакат тараққиётини ривожланишини янги босқичларга кўтариш фуқаролик жамиятини тараққий эттиришнинг муҳим омили эканлиги хусусида фикр-мулоҳаза юритилди.

Зулхумор НОРҚЎЗНЕВА
Маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи



нинг нуфузли мусиқа фестиваллари ёки спорт мусобақаларида юртимиз байроғини баланд кўтариб, ҳеч қимдан кам эмаслигини намоён этиб келишмоқда. Ўйлаб кўрайлик, буларнинг барчасига ниманинг ҳисобига эришиляпти? Ўсиб келаётган ёш авлоднинг юксак интеллектуал салоҳият, кенг дунёқараш ва теран тафаккур соҳиб бўлиб камол топаётгани, ҳар бир соҳада фаол, изланувчан, юрт тақдирига дахлдорлик туйғуси билан ёниб яшаётгани, жамият ҳаётига ҳал қилувчи куч сифатида кириб келаётгани замирида нималар мужассам? Албатта бу — мустақилликнинг илк кунлариданоқ келажак эгалари бўлган ёш ёшларни ҳар жиҳатдан баркамол этиб тарбияланиб, мил-

лий гоё ва қадриятларга ҳурмат руҳида вояга етказиш борасида амалга оширилаётган эзгу саъй-ҳаракатлар маҳсули. Президентимизнинг кўпгина асарларида айнан Ватанимиз истиқболи учун қайғураётганини англаш, тушуниш қийин эмас. Биргина ёшларимиз эртага ким бўлади, қайси гоё учун курашади, деган савол замирида ҳам бу яққол акс этган. Янги ўқув йили муносабати билан яқиндагина «Мустақиллик соатлари» ўтказилиши билан айнан Мустақиллик деган олий неъматларни тушуниб етиб, ўзбек халқининг миллий гоёси — озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш ҳамда «ким эдигу, ким бўлдиқ?», деган саволларга жавоб топдик.

Бундан ташқари институтимиз ўқув йили давомида жуда кўплаб амалий ишлар, депутатлар, фан докторлари, сиёсий партиялар аъзолари ва бир қатор ҳуқуқтарғибот органлари билан ҳамкорликда давра суҳбатлари ўтказиб келади. Бу эса биз талабаларни ўз ҳуқуқларимизни янада чуқурроқ англашга, сиёсий онгимизни шакллантиришга, ўз Ватани тақдирига дахлдор эканини ҳис қилиб яшашга ундайди.

Наргиза САЙДУЛЛАЕВА
Маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиш ва бошқариш бўлими
2-курс талабаси

ТАШАККУРНОМА

Саодат Музаффарова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими:



Мен бир неча йилдан буён «Севинч» болалар мусиқа ансамблида фаолият кўрсатиб келаман. Очиғи, асосий вақтим болалар даврасида, шўх-шодон кулгулар, бегубор тасаввурлар оғушида ўтади. Танлаган касбимдан доимо завқ оламан, чунки у менинг — қисматим, бир умрлик ҳамроҳим. Шунингдек, ансамблдаги фаолият билан чекланиб қолмай, институтимизнинг вокал кафедрасида ишлаб, талаба-ёшларга бор билим ва маҳоратимни имкон қадар ўргатиб келяпман.

Истиқлол байрами арафасида фан, таълим, адабиёт, соғлиқни сақлаш, маданият, санъат ва ижтимоий ҳаётимизнинг турли жабҳаларида фаол меҳнат қилаётган бир гуруҳ юртдошларимиз Ватанимизнинг нуфузли мукофотларига сазовор бўлишди. Улар орасида институтимиз профессор-ўқитувчиларидан Насрулло Қобилов, Гулбаҳор Аҳимбетова, Рудакий Алланбаев ва камина ҳам бор. Ростини айтганда, истиқлол байрами арафасида «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» деган юксак унвон билан тақдирланганимни эшитиб, кўзларимда севинч ёшлари пайдо бўлди. Анча вақтгача ҳаяжон ва ҳайратимни яширолмай юрдим. Кетма-кет табриклар, самимий қутловлар бир неча кун давом этди.

Камтарона хизматларимни шундай юксак унвонга муносиб кўргани учун ҳукуматимиздан, шунингдек, институтимиз раҳбариятидан чексиз миннатдорман. Назаримда, унвон соҳиби бўлган барча инсонларнинг кўнглида шундай ўй-хаёл кечаётир. Энди янада кўпроқ меҳнат қилишим, изланишим зарурлигини ҳис қиляпман. Келгусида мусиқа назарияси билан жиддий шуғулланиб, илмий тадқиқотлар олиб боришни ният қилганман. Зеро, бизнинг институтимизда ҳам назариягачи, ҳам амалиётчи сифатида шаклланиш учун барча имкониятлар муҳайё.

Инсонни, унинг маънавий оламини кашф этадиган қудратли восита — бадиий адабиётдир. Адабиётни инсоншунослик деб, шоир ва ёзувчиларни эса инсон руҳининг муҳандислари деб таърифланиши бежиз эмас. Бу таъриф инсон қалби ва тафаккурига йўл топиш ва таъсир ўтказиш қудратига эга бўлган ОАВ, театр, кино, адабиёт, мусиқа каби соҳаларга ҳам дахлдор.

Бўлажак санъаткорлар ва маданият ходимларини ҳам миллий, ҳам умумбашарий жаҳон маданияти, санъати билан таништириш

нинг Отабек ва Кумушидаги андиша, ҳаё, фарзандлик бурчини юксак даражада адо этиш сўзсиз комиллик намунасидир. Бироқ бадиий асарлар замиридаги инсонни комилликка ундовчи фикрларни илғаб олишга ҳамма ҳам бирдай қодир эмас.

Сўнги йилларда юртимизда санъат ва маданиятга эътибор бениҳоя кучайди. Турли кинофорум, театр фестиваллари, танловларни ўтказиш анъанага айланди. Ёш ижрочилар, актёрлар, режиссёр кинооператорларга жуда кенг имкониятлар яратиб берилмоқда. Тўғри,



да, бу соҳадаги назарий билимларини чуқурлаштиришда, ўзбек ва жаҳон адабиёти тарихи фанлари таълими зиммасига алоҳида вазифалар юкланади, уларнинг амалиётга татбиқи эса мазкур фанлар таълимидаги муаммолар билан узвий боғлиқ.

Адабиёт эъгуликка, гўзалликка хизмат қилади, кишилар қалбини иллатлардан тозалайди. Қалби иллатлардан ҳоли бўлган инсонда ички маданият — инсоний фазилат ва хислатлар юзага келади. Ҳар бир санъатнинг, санъат асарининг вужудга келиши эса ўша эъгуликка, ўша гўзалликка эҳтиёждан туғилади, бу эҳтиёж эса сўзсиз инсон табиатида бўлади.

Демак, комилликнинг яна бир хусусияти юксак — ахлоқийликдир. Бу борада адабиёт ўз қаҳрамонларининг ибратли хатти-ҳаракатлари билан ёшларга намунадир. Навоийнинг Фарҳод ва Ширини, Қодирий-

бу соҳада ном қозониш, шухратга эришиш учун, аввало, туғма истеъдод зарур. Лекин истеъдод билан бирга мутахассислик бўйича махсус таълим олиб, ўрганиш, бор истеъдодни тарбиялаш, муайян эстетик, ахлоқий ва фалсафий дунёқарашга ҳам эга бўлмоқ лозим. Бу талабларга жавоб бериш учун эса режиссёр кўп мурола қилиши, тасвирий санъатни, мусиқани, инсон руҳиятини тушуна олиши керак. Мана шу ҳаётий талаб, яратилаётган имкониятлар замирида ҳам ўқиш-ўрганиш, мушоада юриши, илмнинг қадрига етиш ва имкон қадар иқтидорли инсонлар камолига йўл очиш санъат ва маданият таълимидаги устувор омиллардан бўлиши лозим.

Севара МАҲМУДОВА
Тиллар ва адабиёт кафедраси доценти

Бугун бизнинг юртимизда талабалар гувоҳномасига эга ёшлар бахтлилар сафида, десак хато қилмаймиз. Жумладан, бизнинг институтимизга ҳар йили мана шундай бахтли ёшлар қабул қилинади. Янги 2015-2016 ўқув йилида ҳам қатор санъат ва маданият соҳасига қизиқувчи умидли ёшлар институтимизнинг ҳақли аззосига айландилар. Шу ўринда, уларнинг касбий ва ижодий марраларни забт этишларида омад ва зафарлар тилаймиз.



Хабарингиз бор, талабалар бизнинг институтимизда уч факультет асосида таҳсил олмоқдалар. Хусусан, кино, телевидение ва радио санъати факультети таълим даргоҳимизда ўзининг алоҳида ўрни ва қадрига эга. Бугунги кунда, факультет таркибида жами 357 нафар ёшлар таҳсил олмоқда, шулардан, бу йилги янги биринчи курслар 77 нафар талабани ташкил этади.



Факультетимиз талабалари дарс жараёнида ва дарсдан ташқари ҳолатларда институтда яратилган шароитлардан ва имкониятлардан оқилона фойдаланадилар. Улар ўқув даргоҳимизда бўладиган байрам ва шодиёналар, дастур ва ижодий намоишлар мобайнида фаол қатнашмоқдалар. Ҳўш, бу фаолликка кимлар қандай ҳисса қўшмоқда?!

— Санъатшуносларимиз тадбирлар ва ижодий ишлар, сценарийларини яратмоқдалар ҳамда содир бўлган жонли воқеаларни матбуот ва интернет орқали кенг санъат аҳлига ҳавола этмоқда;

— Кино, телевидение ва радио соҳасидаги режиссёрларимиз ўз устозлари кўрсатмаларини бажариш билан биргаликда институтда қатор тадбирлар, спектакллар намоиши этмоқдалар;

— Кино, телевидение ва радио соҳасидаги овоз режиссёрларимиз бугун институт тадбирларини, ижодий намоишларини, диплом спектаклларини тасаввур эта олмаймиз;



азалий орзуси эди. Бу йўлда не-не мардларнинг қутлуг қони тўкилмади, қанча-қанча фидойилар ёруғ кунларга етиш йўлида ўз жонини фидо қилишдан чўчимади, «Ватан» дея хитоб қилишдан қўрқмади, асло. Шунинг учун ҳар қандай тушунча **ИСТИҚЛОЛ, МУСТАҚИЛЛИК, ОЗОДЛИК** билан боғланса, юксак теранлик касб этади.

Институтимизда биринчи дарс ҳам айнан мустақилликни янада теранроқ англашга бағишланди. Ректоримиз Б.Сайфуллаев йиғилганларни улуғ сана билан муборакбод этар экан, биз — ёшлар истиқлол берган улкан имкониятларга муносиб авлод бўлиб, камол топишимизни таъкидлади.

Маънавий-маърифий ишлар бўйича проректор А.Маврулов ўз нутқида истиқлолнинг тўла мазмун-моҳияти, унга ети-

шиш йўлида босиб ўтилган довлонларни тарихий мисоллар билан келтириб ўтди. Устознинг сўзларини тингларканмиз, жўшиб деб-синаётган юракда бир хитоб жаранг сочган-дек бўлди, назаримда аждодларимиз хурма-



ти учун ҳам истиқлол қадрига етишимиз, унга муносиб бўлмоғимиз, Ватан шухратини янада юксалтириш йўлида чин дилдан интилоғимиз керак.

Соҳибжон ҲОТАМОВ
Саҳна ва экран санъати драматургияси бўлими 1-курс талабаси



Ўзбек халқининг азалий орзу-умидларини ўзида акс эттирган энг улуғ мақсад мустақиллик эди. Бугунги кунда биз отабобларимизнинг муқаддас ҳоқи ётган, ўзимиз яшаётган буюк Ватанимизнинг мустақиллигини барча орзу-интилишларимизнинг марказига қўйиб, ўрганадиган билим ва тажрибамиз, куч-ғай-

рат ва истеъдодимизни туғри иулга иуналтира ола билишимиз керак.

Дастлабки кунларданок аждодларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратиб келинган ғоят улкан, бебаҳо маънавий ва маданий меросимиз, миллий қадриятларимизни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Қисқа вақт ичида жамиятимизнинг барча соҳаларида, шу жумладан, санъат соҳасида ҳам кўзга кўринарли ўзгаришлар амалга оширилди. Халқимиз тарихини билган инсон бу куннинг нақадар улуғ ва мўътабар эканлигини тушунади.

Жаннатмакон юртимизда ёшларга берилган имкониятлардан, шарт-шароитлардан тўғри фойдалана билишимиз керак. Бизга мерос бўлиб келаётган азалий қадриятларни асраб-авайлашимиз, она Ватанимизга фойдамиз тегадиган инсон бўлиб етишиш чикишимиз зарур. Мустақиллигимизнинг 24 йиллиги барчага муборак бўлсин!

Диёра ҲИДОЯТОВА
Вокал жамоаларида раҳбарлик бўлими 1-курс талабаси

дарс жараёнидан ташқари республика миқёсидаги ва институтимиз доирасидаги танловлар, фестиваллар, конференциялар, фан олимпиадаларида қатнашиб, муносиб натижаларга эришаётгани бугун ҳеч кимга сир эмас. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Алишер Навоий номидаги Давлат стипендияларини қўлга киритишда ҳам бизнинг факультет талабалари фаол. Шунингдек, институтдаги «Камолот» ЁИХ фаолиятида ҳам ёшларимизнинг сезиларли иштирокини кўриш мумкин. «Мўъжаз Ватаним» радиоэфери, «Ижодий парвоз» газетаси, институт вэб-сайтини юрийтишга масъул «Матбуот бўлими» ижодий гуруҳларида ҳам кино, телевидение ва радио санъати факультети вакилларининг алоҳида ўрни бор. Бугунги кунда факультетимиз талабалари бошқа факультет ёшлари билан ҳам ижодий ҳамкорликларни йўлга қўйган. Бу борада талабаларга муносиб йўл кўрсатаётган факультет декани Зоя Эрназаровнага ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Умуман олганда, олий даргоҳимиз жамоаси тинимсиз изланишда ва барчамизни институт нуфузини ошириш ҳамда санъат ва маданият соҳасини ривожлантиришга ўз ҳиссамизни қўшишдек буюк вазифалар бирлаштириб туради.

Сирожиддин РУСТАМ
Саҳна ва экран санъати драматургияси бўлими 3-курс талабаси, Матбуот бўлими аззоси



Дарҳақиқат, китоб ўқишнинг оддий қоидаларини билмаслик, унинг гигиеник ва техник томонларига эътибор бермаслик ўқувчи учун катта зарар келтиради. Ўқувчи билим олиш учун, вақтини бекор ўтказмаслик, маънавий дунёқарашини ошириш мақсадида китобни қўлига олади. Айниқса, илм йўлига қадам қўйган кишилар тадқиқот олиб боришда уйда ёки кутубхоналарда китоблар билан ишлайди. Бунда кўпроқ сифатга эришиш учун ўқувчи (тадқиқотчи)дан баъзи қоидаларга амал қилиш талаб этилади. Буюк олимлар ҳам китоб ўқиш пайтида чалғимаслик учун маълум қоидаларга қатъий риоя қилганлар. Яъни китоб билан ишлаганда (кутубхонада ёки бошқа жойда) иш жараёни қанча муддатга мўлжалланганлигини, китоб ўқиш давомида қачон танаффус қилиб олиши мумкинлигини ва ана шу танаффусда нима иш билан машғул бўлишини аниқ белгилаб олганлар.

Машҳур ёзувчилар ва олимларнинг аксарияти «ўқиш жараёни икки соат танаффуссиз давом этиши керак, бу ўқувчида китоб ўқиш тизимини шакллантиради, меҳнат фаолиятининг сифатини оширади, асосийси китобга бўлган меҳрни кучайтиради», деган фикрни билдирганлар.

Улуғ рус физиолог олими И.П.Павлов бундай саволга ўзининг бебаҳо фикрини билдирган. «Ҳамма ўзининг асаб системасини қай даражада ишлаганга мойиллигини, яъни темпини, фаолиятини яхши билади. Шунинг учун жисмоний ва ақлий меҳнатдаги кишиларнинг вазифаси ва мақсади сари интилишда вақти-вақти билан ишини бўлакларга бўлади ва бу билан иш сифатини оширади, мақсадга эришишни енгиллаштиради. Улуғ ёзувчилар ўзининг тажрибаларидан келиб чиқиб, ишининг унумдорлигини ана шу йўл билан оширганлар».

Буюк рус ёзувчиси И.С.Тургенев эса ёш ёзувчиларга шундай маслаҳат берган. «Китоб билан ишлаганда шундай қилинги, иш вақтингизда, умуман бир кунингизда бир соат, иложки бўлса икки соат якка, ёлғиз қолинг. Ҳар кунни ўша ёлғизликда ҳеч бўлмаганда ўзингизни китоб ўқишга мажбурланг».

Л.Н.Толстой ҳам «Мен ҳар доим эрталаб ёзишни одат қилганман. Мен ҳам буни яқинда билдим. Руссо эрталаб уйғониб, озгина сайр қилгандан сўнг ишга киришар экан. Эрталаб инсон мияси тетик бўлади. Энг яхши фикрлар эрталаб, уйқудан уйғонгач келади», деб ёзган экан.

Машҳур олим Лавуазье илмий ишлари билан шуғулланишни эрталаб соат олтидан то соат тўққизгача давом эттири-

Китоб билан ишлаганда қоидалари




ган экан. Шундан кейин иқтисодий, ишлаб чиқариш ва ташкилотчилик ишлари билан машғул бўлар экан. Ромен Роллан ва Чарлз Дарвинлар ҳам илмий ишларини эрталаб бажарган эканлар.

Энди ишлаш жойи ҳақида тўхталиб ўтсак. Иш жойида албатта, стол, стул, ишлаш учун шароит ва муҳит керак бўлади. Ундан ташқари зарурий қўлланмалар, мосламалар, ёзув қуроллари ўқувчига яқин жойда жойлашган бўлиши лозим.

Китоб билан шуғулланиш тартибини амалга ошириш учун ўқиладиган китоблар, йўриқномалар чап томонда ёки ўртада бўлиши керак, олдинда ёзув анжомлари, қўл етadиган ва деворга ўрнатилган жавонда эса китоблар, иш режаси ва карта (сиёсий, табиий, ҳуллас қайси сизга қизиқ бўлса) бўлиши керак.

Стол устида қатор китоб-журналлар аралашиб ётмаслиги керак.

Табиийки, вақт ўтиши билан қоғозлар сарғаяди, стол устидаги нарсаларга чанг ёпишади. Бу инсон соғлиги учун зарарли эканлигини унутманг. Шунинг учун ортиқча китоблар



ва керак бўлмаган қоғозларни стол тортмаларига жойлаб қўйганингиз маъқул. Китоб ўқиганда бармоқларингизни оғиз билан намлаб varaқламавг. Келган жойни букамасдан қоғозча қўйиб белгиланг. Ёзиш пайтида қоғозни исроф қилманг.

Китоб билан ишлаганда ҳаддан ташқари ортиқча зўриқиш билан ишламаслик керак. Мияга дам беришда ҳам фойдали иш билан машғул бўлиш керак. Н.Т.Черневский олий математикани ўрганишда фантазиясини ишлатиб, оддий сонлар билан математик ўйин яратган ва бу билан танаффус пайтида фойдаланган. Бу миясининг дам олишида қўл келган. Д.Н.Менделеев дам олиш пайтида фантастик ёки саргузаштларга бой китобларни ўқиган. Қоғоздан ҳар хил шакллар кесиб картонга ёпиштирган. Бу унга завқ бағишлаган. Академик И.А.Крилов умрининг охириг кунларида ишдан чарчаганида астрономик масалаларни ҳисоблаб ечишга, дам олишнинг фойдаси эвазига яна ижод қилишга ҳаракат қилган экан. И.П.Павлов белкурак билан томорқада ишлаган, кейинги кунда велосипедда сайр қилган.

Ҳуллас, бу ҳақда жуда кўп қизиқ фактларга дуч келиш мумкин. Инсоннинг фаоллиги вақтида дам олиш билан белгиланади. У вақтни инсоннинг ўзи белгилайди. Дангаса бўлиш хавфидан безовта бўлиб яшаш керак. Дангасалик организмнинг фаоллигини ҳам сусайтиради ва инсон ҳаётини қисқартиради. Бу фактни XVIII асрда шифокор Гүфелон аниқлаган.

Шарқ мутафаккирларимиз илмий изланишлар олиб боришда, юксак марраларни забт этишда қандай ўқиш усуллари билан фойдаланган экан, буни газетамизнинг келгуси сонларида айтишга ҳаракат қиламиз.

Гўзал ХОЛИҚУЛОВА
Илмий ишлар бўйича проректор



В истории Государственного института искусств и культуры Узбекистана было много знаменательных событий, к которым по праву можно отнести и проведение международного кинофестиваля «Ижодий парвоз». Исторически так сложилось, что Узбекистан занимал особое место в подготовке творческих работников и специалистов для Центрально-азиатского региона. После обретения Узбекистаном Независимости, стало расти количество снимаемых фильмов. Наверное, поэтому в 2004 году ректором нашего института Б.Сайфуллаевым была выдвинута идея проведения регионального молодежного кинофестиваля «Ижодий парвоз», для творческой молодежи стран Центральной Азии. Инициативу поддержали Министрство по делам культуры и спорта Узбекистана, Телерадиокомпания Узбекистана, Национальное агентство «Узбеккино», Молодежное движение «Камолот», киностудия «Узбекфильм», Посольства Швейцарии, Франции, Италии, России, Гете институт в Ташкенте, Британский совет, представительство ЮНЕСКО в Узбекистане, Росзарубежцентр.

Первый кинофестиваль «Ижодий парвоз» проходил с 3 по 5 мая 2004 года. В конкурсе участвовали 22 фильма молодых авторов из Таджикистана, Казахстана, Кыргызстана, Туркменистана и нашего института. По итогам конкурса победителем назван фильм «Тюльпан на снегу» режиссеров А.Шахобуддинова и Ё.Туйчиева из Узбекистана. При поддержке Посольства Франции в Узбекистане — в качестве Гран-при фестиваля «Ижодий парвоз», победителям конкурса была предоставлена возможность поездки во Францию и участия с фильмом в одной из молодежных секций Каннского международного кинофестиваля.

В дальнейшем, многие, ныне известные молодые кинематографисты региона, получили «путевку в жизнь» благодаря участию в конкурсе именно этого фестиваля. Внеконкурсная программа состояла из 23 короткометражных игровых фильмов из киношкол Европы составленной при содействии Посольства Франции,



Швейцарии, Италии, России и Гете институт в Ташкенте.

Второй кинофестиваль «Ижодий парвоз» проходил с 2 по 7 мая 2006 года. В конкурсе участвовало уже большее количество — 27 фильмов и 24 внеконкурсных фильма. Победителю конкурса, обладателю Гран-при Второго молодежного кинофестиваля стран Центральной Азии «Ижодий парвоз» режиссеру фильма «Овора» — Д.Рахматову из Таджикистана, предоставлено право участия во внеконкурсном показе Московского международного кинофестиваля.

Третий кинофестиваль стран Центральной Азии «Ижодий парвоз» проводился с 12 по 18 мая 2008 года. Его проведение было тем более актуально, что 2008 год объявлен в Узбекистане «Годом молодежи». Фестивальные мероприятия проходили в Ташкентском государственном институте искусств, Доме кино, кинотеатрах города Бухары, куда была организована поездка для гостей фестиваля. Количество конкурсных фильмов возросло до 39 игровых лент.

Фестивальное время было насыщено просмотрами, конференциями, дискуссиями и мастер-классами, которые оказали положительное влияние на творческое становление наших студентов. «Ижодий парвоз» выполнил свою основную задачу по установлению более тесного сотрудничества между молодыми кинематографистами стран Центральной Азии, по привлечению внимания к их творчеству, а также по выявлению наиболее одаренных.

Таълим узлуксизлигини таъминлаш - БУГУННИНГ ДОЛЗАРЪ ВАЗИФАСИ

Мамлакатимизда узлуксиз таълимни ривожлантиришда халқнинг бой маънавий салоҳияти ва умуминсоний қадриятларига ҳамда ҳозирги замон санъати, маданияти, иқтисодиёти, илм-фан техникаси ва технологиясининг сўнгги ютуқларига асосланган мукамал таълим тизимини барпо этиш ўта муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам таълимни тубдан ислоҳ этиш мақсадида «Таълим тўғрисида»ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурларининг қабул қилинганлиги бежиз эмас.

Жойлардаги ихтисослик йўналиши институтимиздаги олий таълим йўналишига мос тушадиган касб-хунар коллежлари билан ҳамкорлик олиб бориш таълим узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш йўлида ижобий хизмат кўрсатиши мумкин. Шу мақсадда академик лицей ва касб-хунар коллежлари билан ишлаш бўлими иш олиб бормоқда.

Бўлим Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигидан институтта бириктириб берилган 9 та касб-хунар коллежлари ва институт ректори кўрсатмаси билан ўзаро ҳамкорлик шартномалари ўрнатилган 18 та санъат ва маданият — жами 27 та касб-хунар коллежлари билан ҳамкорликда фаолиятини олиб бормоқда.

Ҳамкорлик доирасида Тошкент шаҳрида институт билан шартномаси бўлган 9 та ўрта махсус таълим муассасасининг 4 тасида, жумладан, Республика эстрада-цирк коллежида — институт эстрада ва оммавий тамошалар санъати кафедрасининг, Тошкент маданият коллежида — халқ ижодиёти ва анъанавий қўшиқчилик кафедрасининг, Тошкент педагогика коллежида — педагогика ва психология кафедрасининг, Тошкент туризм коллежида — маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиш ва бошқариш кафедрасининг, шунингдек, Наманган шаҳридаги санъат коллежида қўғирчоқ театри санъати кафедрасининг филиаллари ташкил этилган.

Бўлимнинг келгусидаги асосий режаси институтда мавжуд бўлган 18 кафедралардан ҳар бири Тошкент шаҳри ва вилоятларидаги институт билан ҳамкорлик шартномасига эга коллежларда ўз филиалларини очишга эришишдир. Бу таълим узвийлигини янада яхшилашга хизмат қилади.

Муталиб ҚОСИМОВ
Академик лицей ва касб-хунар коллежлари билан ишлаш бўлими бошлиғи





Дурбек ХАЙДАРОВ
Саҳна ва экран
санъати
драматургияси
4-курс талабаси

Сайёрани излаб...

«Маҳаллада дув-дув гап»даги
Сайёрани излаб мен ҳалак.
Наҳот кўкда бўлса макони,
Наҳот бўлса фаришта, малак.

Мен кўрганда одам эдику,
Фариштага ўхшарди, тўғри.
Бизга ўхшаб гапирардику,
Одамлиги наҳот нотўғри.

Консервазаводга бордим,
Консерваторияга бордим.
Тополмасман еру кўкда йўқ,
Ҳатто янги «катеж»ларда йўқ.

Ундан сўрсам билмадим дер,
Бундан сўрсам кўрмадим дер.
Унга айтсам энсаси қотар,
Бунга айтсам мириқиб кулар.

Уни порлаб турган кўзлари,
Мени ютган уммонларига.
Бир умрга мафтунман мажнун,
Келин бўлса ўхшаса унга.

Онам айтар ахир у артист,
Олтишчи йиллар киноси.
Фаришталар қаримас она,
У фаришта, у сув париси.

Актриса бўлса у, унда,
«Анжелика» чойини ичсин.
Мана дунё гўзали бизда,
Мана кино юлдузи бизда.

«Маҳаллада дув-дув гап»даги
Сайёрани излаб мен ҳалак.
Наҳот кўкда бўлса макони,
Наҳот бўлса фаришта, малак.




Сардорхон АБДУМАННОФОВ
Эстрада ва оммавий
томошалар режиссёрлиги
бўлими 4-курс талабаси

ЭРТАГА БИР ГАП БЎЛАР...

Кўёш кулиб, отди тонг,
Энди зулмат даф бўлар.
Бугунга чалинди бонг,
Эртага бир гап бўлар.
Пойдан ўп ҳар кунни,
Йилдек ўтказ бир кунни,
Қадрига ет бугунни.
Эртага бир гап бўлар.
Тотгин, болу намакни,
Кез замин у фалакни,
Қўя тур келажакни,
Эртага бир гап бўлар.
Не қилдинг, кечанга боқ,
Фурсат билан бўл иноқ,
Бунча ўжарсан, ўртоқ,

Эртага бир гап бўлар.
Одат, дея ҳар маҳал,
Чизиқдан чиқмадинг сал,
Бир бор қилгин таваккал,
Эртага бир гап бўлар.
Фурсатлар топиб завол,
Вақт ўтмоқда ел мисол,
Бугунингни яшаб қол,
Эртага бир гап бўлар.
Ўтган умр-кетган бахт,
Фақат қўлингдаги нақд.
Бугун эк битта дарахт,
Эртага бир гап бўлар.



Достонбек РАҲМАТУЛЛАЕВ
Саҳна ва экран санъати
драматургияси бўлими
3-курс талабаси

ВАТАНИМИЗ...

Тупроқларин кўзга суртиб яшаш даркор,
Хурлигига фидо бўлсин жон-танзимиз.
Фарзандига ярашгайди ному ва ор,
Қибла каби муқаддасдир Ватанимиз!
Кўшчинолар эккан боболар ҳаққи,
Бешиқлар тебратган момолар ҳаққи,
Ҳамиша мусаффо самолар ҳаққи,
Макка каби муқаддасдир Ватанимиз!
Курашда мард ўғлонлари тинч ўлмагай,
Она юртнинг долалари ҳеч сўлмагай,
Токи бормиз Ўзбекистон кам бўлмагай,
Каъба каби муқаддасдир Ватанимиз!
Она каби муқаддасдир Ватанимиз!...



Машраб МАМАТОВ
Чоғу жамоаларига раҳбарлик
бўлими 3-курс талабаси

Тинчлик


Тинчлик — бу онанинг кулган кўзлари,
Ҳар тонг дуосида айтган сўзидир.
Тинчлик — бу аслида онам ўзлари,
Ёлган ширмой ноннинг тотли исидир.

Тинчлик — бу муғаний яратган зўр куй,
Ва шоир қалбининг теран кўзидир.
Тинчлик — бу ҳофизнинг «асра, доим суй»
Дея тақдорлаган пандли сўзидир.

Тунларинг тонг каби ёруғдир, юртим,
Тунда ой соқчингдур, кундуз кўёшинг.
Тинчликнинг қадрига етгин, юртдошим!
Сен билан елкадош қари-ю ёшинг.

ЁЗИЛМАГАН ҚОИДА


Сессия пайтида устоз талабаларни, та-
лабалар бир-бирини танимади. Ҳайрият-
ки, декан бор. У ҳаммани танийди...



БЎЛГАН ВОКЕА ҲАҚИДА БЎЛМАГАН ГАП

Университет хотин-қизлар кўмитаси
раисининг илтимоси:


— Якуний назоратга паспортсиз кири-
тилмас экансиз. Қизлар, пардозни сал ка-
майтиринг. Хужжатингизга қараб таниёлмай
қийналмасинлар!



БИР ТАЛАБАГА... ҚИРҚ ХУНАР ОЗ

Талабаликни «Олтин давр» дея орзу
қилган йигитларга маслаҳат:

— Овқат пиширишни, кир ювишни,
конспект тўлдиришни ёки... қизларнинг бо-
шини айланттиришни ўрганинг!




ШУҲРАТ ДАРЁНИНГ ҚЎШИГИДАН:

«Энди тушимда ҳам сувлар сепишар,
Кўйлаклари билан чўмилган қизлар».




КУРСДОШЛАРИМ ҲИРГОЙИСИДАН:

«Шаҳарларда эса кўча кезишар,
Кўйлагин кийишга эринган қизлар!...»




«ОБЕД» ПАЙТИДА

Мактабда қанча гумма еганману, аммо
мазасини талаба бўлганда билипман.



«АЪЛОЧИ»НИНГ ИҚРОРИ

Абитуриент бўлмагунча талабаликнинг,
талаба бўлмагунча отангнинг қадрини бил-
мас экансан!



РАУФ ПАРФИДАН

Талабаликнинг тугаши «талабачилик»-
нинг бошланиши.

ТАЛАБАЛАР БОЗОРЧАСИДАГИ ҲОЛАТ

Биринчи мижоз:

- Ока, пиёз қанча?
- Уч минг сўм.

Иккинчи мижоз:

- Бўла, пиёз қанча бўлли?
- Минг сўм, бўлажон!



ТАЖРИБАЛИ ТАЛАБА КУНДАЛИГИДАН

Талабалик даврида бирон йигитни сев-
маган қиз кўп нараса топади. Талабалик дав-
рида бирор қизни севмаган йигит кўп нар-
са йўқотади.



ОГОҲЛАНТИРИШ

Кулишни билмаган одам эснайди, кул-
диришни билмаган одам қитиқлайди. Ил-
тимос, эснаманг, акс ҳолда, қитиқлашга
мажбур бўламан!

Азизбек РАМАЗОНОВ
Талаба

Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институти томонидан 03.07.2015 йилда 5111000
Касб таълими: (5610400 Ижтимоий-маданий фаолият) бакалаврият таълим йўналиши
битирувчиси Курбанова Элеонора Рустамовна номига берилган В№734980 рақамли
дипломга босилган муҳрдаги ёзувлар аниқ кўринмаганлиги сабабли бекор қилинсин.
Умумий бўлим

Муассис

Ўзбекистон Давлат санъат ва
маданият институти

Бош муҳаррир:
Эркин ХУДОЙБЕРДИЕВ

Таҳрир хайъати:
Гўзал ХОЛИҚУЛОВА
Ҳамдам ИСМОИЛОВ
Зулҳумор НОРҚЎЗИЕВА
Умида ҲАСАНОВА
Шоҳруҳ АБДУРАСУЛОВ

Саҳифаловчи-дизайнер:
Умида ҲАСАНОВА

Таҳририят манзили: 100025 Тошкент шаҳри М.Улугбек
тумани, Ялонғоч мавзеси, 127 А уй
Тел: +99890 349 71 72;
+99871 230 28 13
www.dsml.uz; dsml_info@olam.uz

Газета ҳар ойнинг охирига ҳафтасида «NISO POLIGRAF» МЧЖ босмахонасида чоп этилади.
Манзил: Ўрта Чирчиқ тумани, Оқ ота ҚФЙ, Машғал маҳалласи, Марказ — 1.

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида № 02-00166 рақами билан
2012 йил 19 декабрда рўйхатга олинган.